


Мурожаат ва ижро



Жорий йил 2 ноябрь куни “Солибод” маҳалласида яшовчи фуқаронинг Diyor24.uz | Сурхондарё сайтида йўл масаласидаги мурожаати туман ҳокимлиги томонидан ўрганилиб, “Термиз” каналини қазиш ишларидан чиқарилган тупроқнинг тошланган йўлга қопланиб қолганлиги ҳамда яқин кунлар ичида йўлда таъмирлаш ишлари олиб борилиши маълум қилинган эди.

Бугун туман ҳокимлиги ва туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан “Солибод” маҳалласининг Солибод кўчасидаги ички йўлда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Каналдан чиқарилган тупроқлар текисланиб, тупроқ қопламалар тозаланди ва тош қопламаси очиб чиқилди. Йўл чеккасидаги тупроқ уюмларини текислаш ҳисобига йўл кенгайтирилди.

